

Термизийнинг лафзида:

«Одам боласи! Куннинг аввалида Менга тўрт ракъат рукуъ қил, сенга охирининг кифоясини қилурман», дейилган.

Нуъайм ибн Ҳаммор Ғатафоний аш-Шомий ҳадисларини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ва Уқба ибн Омир ал-Жуханийдан ривоят қилдилар. Бу зотдан Абу Идрис Хувлоний, Қайс ал-Жузомий, Кусайр ибн Мурра ал-Ҳазрабий, Қатодалар ривоят қилдилар. Бу киши ривоят қилган ҳадисларни учта саҳиҳ соҳиблари ўз китобларига киритганлар.

Ушбу ҳадисда зикр қилинаётган намоздан чошгоҳ намози ирода қилинмоқда. Демак, ким эрталабдан тўрт ракъат чошгоҳ намози ўқиб олса, кун давомида Аллоҳнинг ҳифзу ҳимоясида бўлар экан.

Биз ҳам кун бўйи Аллоҳнинг ҳифзу ҳимоясида бўлишни истасак, доимо чошгоҳ намози ўқиб юришга одатланайлик.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди